

22-avgust
2024-yil 34 (1084)



O'ZLIDEP



XXI ASR

IJTIMOIY - SIYOSIY GAZETASI

21asr.uz XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlari_news Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan



БИР БЎЛСАК — ЯГОНА ХАЛҚМИЗ, БИРЛАШСАК — ВАТАНМИЗ!

“XXI ASR” ШАРҲИ



MSK SAYLOV 2024 27-OKTABR

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASI VA MAHALLIY KENGASHLAR DEPUTATLARI SAYLOVIDA ISHTIROK ETUVCHI SIYOSIY PARTIYALAR

- O'ZLIDEP**
Tadbirkorlar va ishbilarnonlar harakati - O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi
- MILLIY TIKLANISH**
"Milliy tiklanish" demokratik partiyasi
- O'ZBEKISTON Ekologik partiyasi**
- XDP**
O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi
- ADOLAT**
O'zbekiston "Adolat" sotsial-demokratik partiyasi

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловида сиёсий партияларнинг иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сайлов кодексининг 69-моддасига мувофиқ, сиёсий партиялардан ҳужжатларнинг келиб тушиши навбатига асосан биринчи Тadbirkorlar va ishbilarnonlar ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясига, иккинчи Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига, учинчи Ўзбекистон Экологик партиясига, тўртинчи Ўзбекистон Халқ демократик партиясига, бешинчи Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партиясига ижозат берилди.

O'ZLIDEP FOYALARI XAETDA VA AMALDA:

ТАДБИРКОРЛАР – МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ, ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19-20 август кунлари Қорақалпоғистонда бўлди. Ташрифнинг биринчи кунда шимолий минтақамизнинг sanoat корхоналари, IT ва ижтимоий соҳа объектларини кўздан кечириб, маҳаллалардаги аҳоли ҳаёти билан танишган бўлса, иккинчи кунда бутун мамлакатдан йиғилган 300 нафардан ортиқ тadbirkorлар билан бевосита мулоқот қилди.

Маълумки, 20 август ҳар йили юртимизда Тadbirkorлар кунли сифатида кенг нишонланади. Ана шу санадан олдин эса давлатимиз раҳбарининг қатъий топшириғига асосан ҳукумат аъзолари, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари, турли тармоқ ва соҳалар етакчилари ишбилармон доиралар вакиллари билан юзма-юз учрашди. Бизнес аҳлининг таклиф-мулоҳазаларини, таъбир

жоиз бўлса, уларни қийнаётган масалаларни тинглайди. Мавжуд муаммоларга биргаликда ечим излайди. Ана шу тadbirkorлар бу гал ҳар сафаргидан-да очиқ ва самимий уюштирилди, десак муболаға бўлмайди. Зотан, мутасаддилар тadbirkorликнинг ҳар бир йўналиши бўйича алоҳида-алоҳида давра суҳбатлари ўтказишди.

3



“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”:

ТУМАН-ШАҲАР БОСҚИЧЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

4

5

МАТЕМАТИКА НИҲОЯТДА ГЎЗАЛ ФАН

гўзал бўлмаган математикага эса дунёда ўрин йўқ

Тармоқларда вақтини беҳуда ўтказётганлар қаторига ёш авлоднингиз эмас, уларнинг ота-оналари, бобо-момо, ака-опа ва қолган яқинларини ҳам қўшмасак адолатдан бўлмайди. Чақалоқнинг сув идиши олдида смартфон турадиган пайтдамиз. Ривожланган мамлакатларда технологияларнинг кириб келиши бир неча ўн йилга давом этган бўлса, бизга қисқа вақтда катта тезликда кириб келгани ҳаммани шок ҳолатга туширди.



6

БИРИ ОСМОНДА, БИРИ...

қовун сайлидан кейинги ўйлар

Наҳотки, кўпи билан икки-икки ярим ойча давом этадиган қовун ва тарвузнинг ёзги навларини етиштириб, аҳолига ўз вақтида, сифатли етказиб бериш тизими ҳали-ҳамон яратилмади. Ахир юртимизнинг темир йўл тармоғи тортилмаган ҳудуди деярли қолмади ҳисоб.



ШУКУҲ

Ҳар биримиз фидойи бўлмоғимиз керак

Президентимизнинг чуқур ўйланган ташқи сиёсати натижасида у ёки бу давлат билан ўзаро муносабатларгина эмас, балки бутун минтақадаги муҳит ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Албатта, бу каби инқилобий ўзгаришлар, қолаверса, узоқ-яқиндаги стратегик шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз ўзидан-ўзи бўлмаяпти. Жуда катта дипломатик саъй-ҳаракатлар меваси бу, албатта. Уларнинг ортида кучли сиёсий ирода, эл-юрт манфаатини кўзлаб қилинаётган ислохотлар турибди, десак муболаға бўлмайди.



Ўқтам ОХУНОВ,
O'zLiDeP Андижон
вилоят кенгаши раиси,
"Нуроний" жамғармаси
вилоят бўлими раиси

Узоққа бормаёлик, давлатимиз раҳбари кейинги етти йил ичида биргина Марказий Осиёнинг ўзида шунча вақтдан бери эрмай ётган қават-қават музларни эритди. Неча ўн йиллар давомида кўшилларимиз билан ўртада тама-балаб ташланган чегаралар очилди. Бу ишлар, бу саъй-ҳаракатлар ким учун, кимнинг манфаати учун амалга оширилмоқда? Албатта, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида. Шунинг учун биз бу каби ютуқларни кўриб, қалбимиз шукронага, фахру ифтихорга тўлади.

Энг улуг, энг азиз байрам – Ватанимиз мустақиллигининг 33 йиллик шодиемаси тобора яқинлашмоқда. Бу қутлуғ айёмнинг шуқуқи, файзи ўзгача. Ҳар биримиз қаерда яшашимиз, қай бир соҳада фаолият юритишимиздан қатъи назар, Янги Ўзбекистонимиз равнақи, тараққиёти, ободлиги йўлида собитқадамлик билан бугунги ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланмоғимиз лозим.

лада минтақамиз раҳбарларининг бамаслаҳат ҳолда бир давра атрофида бирлашиб, мавжуд муаммоларни ўзаро ҳурмат ва ишонч билан ҳал қилаётгани – бу ҳам кейинги йилларда ташқи сиёсат бобида эришилаётган улкан муваффақиятларимиздан биридир. Минтақа ва дунё аренасида бошқа долзарб масалалар қатори, энг аввало, тинчлик-осойишталик, тотувликни сақлашга даъват этилаётгани эътиборга лойиқ сиёсий қадамдир. Бу борада Ўзбекистон Президентининг бошқаларга ибрат сифатида эътироф этилаётгани ҳам бежиз эмас.

Кўряпмизки, бугунги кунда бутун дунёда турли кўринишдаги эйдидиялар, қарама-қаршиликлар кучайгандан кучайиб, барча тараққий-парвар ва тинчликсевар давлатлар бу каби энг оғир, мураккаб масалаларга ечим топиш учун тўғри, муқобил йўللари излаётган нозик пал-

ХАЛҚЧИЛ МУЛОҚОТ

Виктор ПАК,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси
депутати,
O'zLiDeP
фракцияси
аъзоси



Мамлакатимизда сўнгги йилларда бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бундан тўрт йил аввал давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланган очиқ мулоқот тадбиркорлик соҳасида янги-янги лойиҳалар, имконият ва имтиёзларнинг яратилишига замин ҳозирламоқда.

Хусусан, ана шу қисқа муддат ичида бизнес юритишни соддалаштириш, солиқ юкнини камайитириш, истиқболли фояларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш тизими ва инфратузилма яратиш ҳамда мулк ҳуқуқини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди. Шунингдек, аҳолининг тадбиркорлик та-

шаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, биринчи навбатда, маҳаллаларда кичик бизнес ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ёшлар ва хотин-қизларни даромадли меҳнат билан банд қилиш борасидаги тадбирлар тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Энг қувончлиси, куни кеча Нукусда ўтказилган Президентнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни Қорақалпоғистон мисолида яққол кўриш мумкин бўлди.

Ҳўш, ушбу очиқ мулоқотни ўтказиш учун нега айнан Қорақалпоғистон танланди?

Давлат раҳбари ўринли таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг бир бўлаги ҳисобланган Қорақалпоғистонда бизнес қилишнинг бошқа ҳудудларга нисбатан 3 та устун жиҳати бор: имтиёзлар пакети кўпчилиги, ер ажратишнинг содда тизими, катта бозорларга чиқиш учун қулайлик. Мулоқотда маҳаллийлаштиришда фақат

товарлар эмас, хизматлар бўйича ҳам катта имкониятлар борлиги қайта-қайта айтилди.

Дарҳақиқат, ушбу очиқ мулоқот кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш, бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш, ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, хизматлар соҳасига янги туртки бериш, бизнес учун тўсиқ ва фовларни янада қисқартириш йўналишларидаги муаммоларга ижобий ечимлар топгани, бу борада аниқ мақсад ва вазифаларни белгилаб бергани билан аҳамиятли бўлди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар яқин келажакда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириб, иқтисодиётимиз кескин юксалтиради ва пировардида халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мухтор ИБРАГИМОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик
палатаси депутати,
O'zLiDeP
фракцияси
аъзоси



ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАШРИФ

Президентимизнинг Қорақалпоғистонга ташрифи халқни хурсанд қилгани рост. Чунки ҳар бир ҳудудга ташриф у ерда янги гоя, ташаббус, инвестициялар жалб қилинишидан, халқ фаровонлиги янада ортишидан дарак беради. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Қорақалпоқ халқида "Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ" қабилади-га пурмаъно гап бор. Яъни янгиликларга кучоқ очиб, янги давр билан қўша юриш керак. Буни бугунги давр тақозо этаётир. Бу каби замон талабларини она тупроқда яшаётган ёшу қари яхши илғайди. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонга инвестиция оқимининг кучайишида ҳам уларнинг меҳнатлари бисёр. Охириги 7 йилда 17 триллион 800 миллиард сўмлик 6 минг 784 та лойиҳа амалга оширилгани жуда катта натижадир. Бундай саъй-ҳаракатлар яна изчил давом эттирилиши алоҳида таъкидланди. Айниқса хорижий инвестор ва маҳаллий тадбиркорлар томонидан ушбу тарихий ташриф доирасида ўрта истиқболли лойиҳанинг тақдирини намойиш этилгани ҳам кўпчиликини қувонтирди. Қолаверса, бу улкан ҳудудга Саудия Арабистони, Германия, Хитой, Испания, Россия сингари йирик давлатларнинг номдор компаниялари инвестиция киритаётгани янада хайрлидир.

Президентимиз ушбу лойиҳаларни кўздан кечириб, тадбиркорларга ҳар томонлама мададкор бўлиш кераклигини таъкидлади. Юртбошимизнинг тадбиркорларга ишончи ва қўллови келгусида бу ерда бизнес қилишни хоҳловчилар оқимини янада кучайтиради. Ишбилармонлар эса бундай имкониятлардан янада руҳланади.

Қорақалпоғистонда Жужимбағнинг таърифини эшитмаган киши йўқ. Кегайлидаги бу маҳаллада 4 минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. Мазкур ҳудудда "Ogol Agro" корхонаси томонидан "Ешлар узум боғи" ташкил этилиб, унда 40 кишига ер ажратиб берилган. Юртбошимиз у ерда маҳалла фаоллари билан учрашиб, деҳқончилик қилаётган йигит-қизлар билан дилдан суҳбатлашди. "Сизларнинг ишли бўлганингизни, кўзингиздаги ишончли кўриб, хурсанд бўлдим. Ўзи меннинг энг катта мақсадим шу – халқимни рози қилиш, бахтли кўриш", деди суҳбат жараёнида Президент. Ва ёшларнинг таклифлари асосида қишлоқ маҳсулотлари учун совуқчилик омбор қуриш, эҳтиёжманд йигит-қизларнинг тўйлари ва шартнома тўловларига кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар ҳам берди. Бу гаплар Кегайлида туриб янграса ҳам бутун Қорақалпоғистон бўйлаб овоза бўлди. Ёшларга қаратилган шундай эътибордан келажакдаги фарзандлари тақдир билан боғлайдиган ота-оналар ҳам шод бўлди.

Кегайли туманида Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари муҳокамаси бўйича йўғлишида давлат раҳбари томонидан айтилган ушбу даъваткор сўзлар эса ҳар биримизнинг юрак-юрагимизни тўлқинлантириб юборди: "Аввал ҳам айтганимдек, ўзбек ва қорақалпоқнинг тарихи ҳам, тақдирини ҳам бир. Мен ишонман, бизнинг ёруғ, бахтли келажакимиз ҳам, албатта, бир бўлади. Бу йўлда сизларга, хурматли ёшулли ва тадбиркорларимизга янги ютуқ ва омадлар тилайман!"

Зеро, бугундан рози бўлиб яшаш, эртасидан умидини узмаслик ҳар бир инсон учун муҳим ҳаракатлангирувчи қайфият ҳисобланади. Улкан амалий ишлар, истиқболли лойиҳалар, эзгу мақсадларга бой кечган бу ташриф Оролбўйида яшаётган каттаю кичикнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади.

ЯНГИ ЗАМОННИНГ ЯНГИ ТАДБИРКОРИМАН

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилган имконият ва имтиёзлар мени ҳам руҳлантирди. 2010 йилда Яккабоғ туманидаги "Sitara imkon plus" нодавлат таълим муассасасини ташкил этдим.

Ўн тўрт йил ичида, тасаввур қилинг, муассасамизда 21 мингдан ортиқ йигит-қиз 18 дан ортиқ йўналишда тадбиркорлик малакаларини ўзлаштириб, республикамизнинг турли вилоятларида хизмат кўрсатиш соҳасида ишламоқда. Кейинроқ "Аслзода" гузаллик саломи ва тикув чехи ташкил этиб, 36 нафар хотин-қиз ҳамда ёшани доимий иш билан таъминладим. Туманда кадрлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш орқали бандликни таъминлаш мақсадида энг чекка қишлоқларда яшов-

чи хотин-қизларга тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, тўқувчилик, пазандалик, уй ҳамшираси, компьютер саводхонлиги, пардачилик, гиламчилик, сартарошлиқдан сабоқ бераёмиз. Кам даромадли оилалар аъзолари, ногиронлиги бўлган хотин-қизлар, боқувчисини йўқотганларга касб-хунарни бепул ўргатаёмиз.

2017 йида O'zLiDeP ташаббуси билан ўтказилган "Ишбилармон аёл" кўрик танловида иштирок этиб, республика босқичида фахрли иккинчи ўринни олдим. 2019 йилда Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан давлатимиз раҳбарининг ташаккурномаси ҳамда "Ташаббус – 2019" кўрик-танловининг республика босқичида хизмат кўрсатиш соҳасида "Йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича мутлақ ғолиб бўлиб, олтин медал ва Президент соврини – спарк автомашинаси билан тақдирландим.

Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида ёрдам ва кўмакка муҳтож аҳоли қатлами ижтимоий қамраб

олиш бўйича ҳомийлик ишларимиз ҳам эътибордан четда қолмади, 2020 йилдан бери "Меҳр-саховат" кўкрак нишонни кўксимни беэза турибди.

Яккабоғ туманида яшовчи "Аёллар дафтари"га киритилган 100 нафар, "Ешлар дафтари"даги 200 нафар ишсизга касб-хунар ўргатдик. Айни пайтда мазкур дафтларга киритилган 15 нафар опа-сингил ва 5 нафар ёш доимий ишли. 2021 йилда Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг "Энг намунали аёл иш берувчи" танловида фахрли 3-ўринни эгаллаб, иккинчи марта автомашина билан тақдирландим.

Халқ депутатлари Яккабоғ туман кенгаши

Наргиза САЛОМОВА,
Яккабоғ туманидаги "Sitara imkon plus" нодавлат таълим муассасаси раҳбари, O'zLiDeP туман кенгаши раиси



депутати сифатида сайлов округидаги фуқароларнинг муносабатлари асосида ҳудуддаги муаммоларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилмаман. Бугун туманимиз ахли истиқлолимизнинг 33 йиллигини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш субъектлари ишга туширилмоқда. Кенг қўламли ободонлаштириш иш-

ри туфайли қишлоқларимиз ўзгача чирой касб этмоқда. Одамларимиз ҳаёти кун сайин фаровонлашиб, қалблариди истиқлолга шукроналик ҳисси жўш ураётир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрам – истиқлол шодиемаси билан сямийий қутлайман!



ТАДБИРКОРЛАР – МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ, ТАРАҚИЁТ МЕЗОНИ



◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

ПРЕЗИДЕНТНИНГ O'zLiDeP электорати билан учрашуви

Тадбиркорлар кўтарган 700 дан ортиқ масала, ташаббус ва янги лойиҳалар қўллаб-қувватланди, 8 триллион сўм қўшимча маблағ ажратиш бўйича топшириқ берилди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, хизматлар ривожига, тадбиркорлик инфратузилмаси учун яна 18 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

Президент билан мулоқот эса айнан Нукус шаҳрида ташкил этилгани долзарб аҳамиятга эга. Боиси, Қорақалпоғистон – имкониятларга тўла, сармоядорларни жалб этиш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда бошқалардан нисбатан фарқлини турадиган ҳудуд. Оролбўйида бизнесга ер ажратишда чекловлар ўрнатилган шарт эмас. Қолаверса, экологик офатлардан энг кўп жабр чекаётган маҳаллий аҳолига доимий даромад манбаи яратишда инвесторлар иштирокида ижобий натижага эришиш мушкул.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН –

Янги Ўзбекистон дарвозаси

“Nukus Electroapparat” қўшма корхонасида электр энергияси тармоғи учун кучланиш қурилмалари тайёрланади. Яқинда бу ерда 10 миллион доллардан зиёд маблағ эвазига қуёш панелларини ясаш лойиҳаси ишга туширилди. Усуналар Жанубий Кореядан келтирилди. Ишлаб чиқариш жараёни 100 фоиз автоматлаштирилган. Лойиҳанинг йиллик қуввати 273 минг дон. Қўзғиргача турли иншоот ва хонадонларда 600 мегаватт қувватли қуёш панеллари ўрнатилган.

Шавкат Мирзиёев Қорақалпоғистонга навбатдаги ташрифини айни ана шу саноат объектнинг салоҳияти билан танишишдан бошлади. Қўшма корхона ички бозорда талаб юқори маҳсулотни маҳаллийлаштириш билан бирга 4 миллион долларлик экспорт имкониятига ҳам эга бўлди. 70 кишининг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбари иш жараёнини кўздан кечирди, ходимлар билан суҳбатлашди. Мутасаддиларга бундай корхоналарни кўпайтириш, бозор талаблари юқори маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу кун Қорақалпоғистон Республикасида шомол электр станциялари ва саноат корхоналари қурилиши бошланди, савдо мажмуалари ишга туширилди. Шавкат Мирзиёев рамзий тугмани босди, янги иншоотларнинг қурилиши ва фаолиятини бошлаб берди. Барчани мамлакатимиз иқтисодиётида катта аҳамиятга эга ушбу лойиҳалар билан табрикланди.

Сўнг Президентимиз Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология паркиннинг Қорақалпоғистон филиалини бориб кўрди. IT-парк резидентлари сони ўтган йил якунига нисбатан бугунги кунда уч баробарга ошди, 108 тани ташкил этди. Улар томонидан 310 нафар мухтаassis иш билан таъминланган. 2024 йилнинг биринчи ярмида хизматлар ҳажми 2,4 баробарга, экспорт ҳажми эса 1,7 баробарга кўпайди.

Эришлар натижалар яратилган шароит инъикоси. Давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳудудга ташрифи чоғида IT-парк учун янги бино қуриш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ, Нукус шаҳри марказида 17 қаватли замонавий бино бунёд этилди. Бу ерда IT-таълим ва коваркинг марказлари, офислар, конференция зали ва хизмат хоналари мавжуд. Шунингдек, бинога IT-парк резидентлари, соҳада фаолият олиб бораётган инвесторлар, чет эллик авторсинг корхоналар жойлаштирилди. Илгари икки қаватли бинода очилган IT-парк бугун муҳташам мажмуага кўчгани режалар улканлигидан дарак беради.

Шавкат Мирзиёев Республика шоялининг тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалига ҳам борди. Бу марказ илгари эски бинода жойлашган бўлиб, бир хонада 4-5 бемор ётар, санитар хоналар умумий эди. Замонавий усуналар учун мос келмади қолганди. Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 7 июлдаги “Қорақалпоғистон Республикасида 2022-2024 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада кучайтириш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида тиббий хизматлар сифати ва қамрови ошириб бормоқда. Хусусан, шу йил февралда Нукус шаҳрида Республика шоялининг тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилган эди. Бу мустақиллик йилларида Қорақалпоғистонда “нолдан” қурилган биринчи кўп тармоқли шифохона бўлди.

Бемор ҳаётини сақлаб қолишда вақт асосий ўринда туради. Шу боис марказда беморларни касаллик даражаси бўйича саралайдиган триаж бўлими ташкил этилган. Яъни муружат қилган инсон вақт йўқотиб, сарсон бўлиб юрмайди. Бу ерга шифокорнинг ўзи тушиб, беморни қайси соҳада даволаш зарурлиги бўйича хулоса қилади ва керакли бўлимларга йўналтиради.

Шундан кейин Президент Кегеяли туманидаги Жужимбағ маҳалласида бўлди. Бу ерда 4 минг 300 нафарга яқин аҳоли яшайди. Учта мактаб, олти та боғча, етмишдан ортиқ тадбиркорлик субъектида аҳоли доимий иш билан банд. Чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган бу ҳудудда 990 та хонадоннинг томорқаси бор. Сайхунобод тажрибаси асосида маҳаллий имкониятлар ишга солиномоқда.

Аслида Қорақалпоғистонда бизнес учун яратилган имконият ва шароит бошқа бирорта вилоятда йўқ. Бу имкониятлар лойиҳа ва иш ўрнига айлантирилганида, кўрсаткичлар 5-10 карра юқори бўлади. Шу сабабли ҳудуддаги улкан имкониятлар кўрсатиб ўтилди. Масалан, йил бошидан бери Қорақалпоғистонга 1 миллион 300 минг сайёҳ келган. Лекин меҳмонхона ўринлари кам. Замонавий меҳмонхона ва конгресс хол қуриш истагини билдирган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш зарур. Ер ажратишнинг соддалашган тизими иқтисодий зона ҳудуди учун ҳам жорий қилинса, қўллаб-қувватлаш лойиҳаларни жойлаштириш мумкин.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти Нукус шаҳрида бўлиб ўтди. Унда, ҳудудий студиялардагини қўшиб ҳисоблаганда, 3 300 нафардан зиёд таниқли ишбилармонлар қатнашди. Қолаверса, АҚШ, Япония, Германия, Франция, Португалия, Испания, Бельгия, Польша, Беларусь, Буюк Британия, Латвия, Литва, БАА, Хитой, Замбия, Туркия, Қатар каби давлатларда бизнес юритаётган 40 нафар юрtdошимиз тақлиф этилгани эътиборга молик.

Мулоқот аввалида Тадбиркорлар куни арафасида илгор бизнес вакилларидан 37 нафари ордан ва медаллар билан, 104 нафари “Фаол тадбиркор” кўрак нишони билан тақдирлангани мамнуният билан қайд этилди. Ишбилармонларга қулайлик яратиш мақсадида Янги Ўзбекистонда маҳалладаги микролоийҳадан тортиб, мегаойиҳаларни қўллаб-қувватлашга бўлган янги тизим йўлга қўйилди. Илгари кредит, бозор топиш, инфратузилма билан боғлиқ муаммолар, тинимисиз “текшир-текширлар” сабабли 60 фоиз янги тадбиркорлар фаолияти биринчи йилнинг ўзидаяқ тўхтаб қолар эди. Ҳозир эса уч йилдан ортиқ ишлаётган корхоналар улуши 76 фоизни ташкил этиб, илк бор 300 мингга етди.

Солиқ, банк, молия, бутун иқтисодиёт комплекси “маҳаллабай” ва “мижозбай” ишлашни бошлагани натижасида олдин зарар билан ишлаган 16 минг корхона ярим йилда 6,5 триллион сўм фойдага чиқди. Бугунги кунда 100 тадан ортиқ ишчи бор корхоналар 3 мингга яқинлашиб, улардаги иш ўрни бир йилда 440 мингга кўпайди.

O'zLiDeP учун энг муҳим йўналиш саноат хусусий секторда 5 миллион сўмдан кўп маош оладиган ишчилар сони 1 миллиондан ошди. Статистик маълумотларга кўра, шулардан 370 мингга 10 миллион сўмдан зиёд ойлик олади.

Президентимиз, “текширсан – кўрқадан, кўрқсан – солиқ тўлайсан”, деган қараш билан иш юрмаслигини ҳамма, айниқса, солиқчиларнинг ўзи энди тушуниб етаётганини алоҳида таъкидлади. Натижада тадбиркорлар “сояда” ишлашдан кўра қонуний фаолият, соғлом рақобатни манфаатли деб билаётгани улкан муваффақият. Бу эса мансабдорлар тадбиркор билан мулоқот қилишга ўргатилиб, бизнес муҳитини яхшилаш бўйича туб бурилиш ясалганидан далолатдир.

– Олти ойда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми ўтган йилга нисбатан икки карра ўсиб, 14 миллиард долларга етди, – деди Шавкат Мирзиёев. – Ушбу рақамларнинг бирортаси 33 йиллик тарихимизда бўлмаган. Ҳали имкониятларимиз бундан-да кўп. Энг муҳими, уларни ишга солишга қодир бўлган сиздек ватанпарвар ва жонқур тадбиркорларимиз бор. Аҳолиимиз 38 миллионга яқинлашиб борапти, уларнинг даромади ҳам кундан-кунга кўпаймоқда. Қўшни давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларимиз мисли қўрилмаган даражага чиқди. Мамлакатимиз маҳаллий корхоналар учун ҳам, чет эл компаниялари учун ҳам катта бозорга, минтақадаги саноат хабиға айланиб улгурди.

Ҳозирги мураккаб шароитда барча давлатлар ўз ортидаги ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишни устувор йўналиш сифатида кўраётгани хеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ҳам рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича тадбиркорларни янада кенг қўллаб-қувватлайди. Шунинг билан олган ҳолда, мулоқот давомида давлатимиз раҳбари тадбиркорлик учун қўшимча шароитлар яратиш бўйича БЕШ Йўналишдан ИБОРАТ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ.

БИРИНЧИ Йўналиш:

кичик ва ўрта бизнес учун молиявий ресурсларни кўпайтириш

Лўнда қилиб айтганда, бу эндиликда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашда барча банклар ва микромолия ташкилотлари иштирок этади, дегани. Масалан, 100 миллион сўмгача микрокредит бор-ўйи 9 фоиз тадбиркорларнинг эҳтиёжини қондираётгани маълум бўлди. Қолгани-чи? Шу боис микрокредитлар миқдори 3 карра оширилиб, 300 миллион сўмга етказилади. Бунда кредитнинг 100 миллион сўмгача бўлган қисмига гаров талаб қилинмайди. Бошқача ифодалаганда, микромолия бозори учун “яшил чироқ” ёқилмоқда. Шу билан бирга, устав капитал камиди 50 миллиард сўм бўлган микромолия банкларини ташкил этишга рухсат берилди. Ушбу банклар кредит портфелининг камиди 70 фоизни кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришга йўналтирилади.

Партияимиз тарафдорлари ва сайловчилари учун яна бир янгилик ўтган ойда микромолия ташкилотларига исломий шартлар асосида қизмат кўрсатишга рухсат берилгани билан боғлиқ. Тайёрланган янги қонун лойиҳаси қабул қилинса, ислом молияси билан банклар ҳам ишлаши мумкин бўлади. Бу – янги молиявий хизматлар тақдим этилиши, кўп инвесторлар кириб келиши ва 5 миллиард долларлик қўшимча ресурс пайдо бўлишига туртки беради. Модомики, O'zLiDePнинг яна бир ғояси ҳаётда ва амалда десак муболаға қилмаймиз.

Энди давлат жалб қилган маблағларни йирик корхоналарга бериш амалиётидан босқичма-босқич воз кечилиши таъкидланди. Бундай маблағларни бериш икки йил ичида камиди 40 фоизга қисқаради. Банклар бунинг ҳисобидан камиди 30 триллион сўмини хусусий бизнесга йўналтиради.

ИККИНЧИ Йўналиш: бизнесни инфратузилма, ер ва энергия билан таъминлаш

Очиқ мулоқот доирасида келиб тушган 11 мингта муружатдан 2 мингтаси ер ва инфратузилма билан боғлиқ. Жойларда ўтказилган сўровда ҳам 55 фоиз тадбиркор электр энергияси, газ таъминотида, тармоққа уланишда муаммолар борлигини айтган.

Ердан инвестиция сифатида фойдаланиш тизими ҳали орқада экани кундек равшан. Ер бозори шаклланиши таъсирида янги инвестиция лойиҳаларида ер сотиб олиш харажатлари кескин ошаётгани ҳам ҳақиқат. Тадбиркор ерга катта харажат қилгандан кейин қурилиш, техника ва ускунага маблағи етмай қолишини билиш учун олим ё сиёсатчи йўлини шарт эмас. Шуларни инобатга олиб, тадбиркор аукциондан ер сотиб олганда унга қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ҳисоблаш бекор қилинадиган бўлди.

Очиқ мулоқотда жамоатчилик кутган мавзуда ҳам сўз юритилди. У ҳам бўлса, барча саноат корхоналари электр ва газга ўрнатилган лимит ошиб кетса, тўлов икки карра кўп ундирилатганидан норози бўлаётганидир. Шу муносабат билан саноат ўсишига таъсир қиладиган бундай чекловлар қисқартирилади. Энди электр ва газ истеъмоли лимитдан 20 фоизгача ошиб кетса ҳам базавий тариф сақланиб қолади. Агар истеъмоли 20 фоиздан ўтиб кетса, ошган қисмига тўлов 20 фоиз қимматлашади. Тадбиркорлик рейтингига “юқори”, “ўрта” тоифадаги корхоналарга электр учун олдиндан тўловни бир ойда иккига бўлиб тўлашга рухсат берилди.

УЧИНЧИ Йўналиш:

ички бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш, ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш

Бу борада маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорга чиқишини қўллаб-қувватлаш жараёни изчил давом эттирилиши маълум қилинганни диққатга сазовор. Хусусан, Жаҳон савдо ташкилотига 2026 йилда аъзо бўлиш бўйича катта қадамлар қўйилмоқда.

– Ушбу ташкилотга кириш чуқур ўйланган ва узоқни кўзлаган танлов, қолаверса, ислохотларимизнинг ажралмас бир қисми, – деди Президент. – Лекин айримлар бунга шубҳа билан қараяпти, бошқалар “корхоналар синади, импорт босиб кетади” деган хавотир билан юрибди. Бир нарсани тушуниш зарур, импорт божлари ишлайди. Шунинг учун ҳам ташкилот аъзолари билан музокаралар ўтказаяпти. Эртанги кунимиз – бу тенг рақобат муҳити ва экспортга қаратилган саноат ва савдо сиёсати. Иқтисодиётимизга олдинлари протекция қиймидир маънода керак эди. Яна шу йўлда давом этсак, имкониятларимиз цеқланиб қолади. Чунки халқаро ишлаб чиқариш занжирлари кирмасак, иқтисодиёт ўсиш биз кутгандек бўлмайди.

Тобора қизиб борган мулоқот давомида бундан буён ҳеч кимда алоҳида ҳуқуқ бўлмадлиги, хоҳ давлат стратегик корхонаси бўлсин, хоҳ хусусий корхона ёки хорижий инвестор бўлсин, иқтисодиётда барча тенг шароитда ишлаши эътироф этилди.

Очиқ мулоқотга тайёргарлик доирасида яна 122 та экспортчининг 145 миллион долларлик айланма маблағга эҳтиёжи борлиги аниқланган. Шу боис тармоқларни ривожлантиришга берилган маблағдан 200 миллион доллар экспортдаги молиялаш учун йўналтирилиб, 50 миллион долларлик банк кредитлари учун кафиликка берилди.

Кўп тадбиркорлар экспорт бўйича ҚҚСни қайтаришда ортиқча тўсиқ борлигини айтмоқда. Солиқ ва божхонанинг ахборот тизимлари бир-бирига уланган бўлса-да, экспортни тасдиқлайдиган ҳужжат талаб этиляпти. Мазкур муаммони оқилона ечиш мақсадида божхона органининг экспортни тасдиқловчи электрон маълумоти ҚҚСни қайтариш учун асос бўлиши, бошқа ортиқча ҳужжатлар талаб этилмаслиги айтиб ўтилди.

Яна бир масала – ҳозир тадбиркорлар электрон ҳисоб-фактура ва товар-транспорт юк хатини алоҳида 2 та ҳужжат сифатида расмийлаштирмоқда. Тадбиркор юк хатига 49 та маълумотни мажбурий кириштириш керак. Ҳамма соҳага рақамлаштириш кириб келган бир пайтда, бундай амалиётни бекор қилиш вақти келди. Энди бу ҳужжатлар ягона шаклга келтирилади ва фақат 4 та маълумот кириштирини ўзи етарли бўлади.

ТўРТИНЧИ Йўналиш:

хизматлар соҳасига янги туртки бериш

Меҳнатга лаёқатли аҳолининг 52 фоизи хизматлар соҳасида ишлаётганини инобатга олиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигида йирик корхоналарга сервис хизмати кўрсатишга маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш дастурини ишлаб чиқиш топширилди.

Хизматларда улуши энг катта соҳалардан бири, бу – умумий оғдатланиш ва меҳмонхона тизимларидир. Давлатимиз раҳбари уларнинг энг катта муаммоси ҚҚС ва ишчилар ҳисобини юришти эканидан хабардорлигини таъкидлади. Шу боис 1 январдан умумий оғдатланиш корхоналарига ҚҚСнинг бир қисми тадбиркорга “кэшбек” сифатида қайтариб берилди. Бунда ойлик айланманинг 60 фоизини нақд пулсиз амалга оширган корхоналарга ҚҚСнинг 40 фоизи тўланган заҳоти қайтарилади. Агар нақд пулсиз айланма 60 фоиздан кам бўлса, “кэшбек” 20 фоиз бўлади. ҚҚС тўлашга ўтган ресторан ва кафеларга фойда солиғи 2 карра камаяди. 1 декабрдан бу корхоналар нақд пулга сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кириш қилишда ҳеч қандай ҳужжат талаб қилинмайди. Уларга баҳор ва ёз мавсумида ўзларига туташ майдонларда стол-стул ва соябон қўйиб ишлашга рухсат берилди. Ресторан ва кафелар ишчилар билан қисқа муддатли, соддалашган меҳнат шартномасини тузиши мумкин бўлади.

Ҳудди шу каби 1 октябрдан меҳмонхона ва туруператорларга ҳам тўланган ҚҚСнинг 20 фоизи “кэшбек” қилиб берилди. Сўнгги икки йилда бозорга киришдаги 13 та экспортчи ҳуқуқ бекор қилинган эди. Яқинда яна 7 таси бекор бўлади. Бу орқали 1,5 мингдан ортиқ тадбиркорлар учун бозорга кириш имконияти яратилади. Мисол учун, меҳмонхона фаолиятини сертифицирлаш билан ақридатацияси бор барча корхоналар шуғулланиши мумкин бўлади.

БЕШИНЧИ Йўналиш:

бизнес учун тўсиқ ва ғовларни янада қисқартириш

Очиқ мулоқотда Президент реестрда йўқ мезон бўйича тадбиркор фаолиятини тўхтатган мансабдор жавобгарликка тортилиши ҳақида оғоҳлантирди.

Ҳозирда тадбиркор тўламаган солиқ 100 миллион сўмдан ошса, у жиноятчи бўлиб қолмоқда. Инчунун, солиқ тўламаганлик учун тадбиркорга жиноят иши қўзғатишга асос бўладиган миқдорни 2 бараваргача ошириш тақлиф қилинди.

Кредит олди-бердисида банк ҳам, тадбиркор ҳам таваккал қилади. Лекин амалиётда банкнинг ҳуқуқ ва ваколатлари тадбиркорга нисбатан анча кўпроқ. Масалан, кредит вақтида қайтмас, гаровга қўйилган мулк шартнома тузилган пайтдаги қийматида сотувга чиқарилади. 3-4 йил олдин кредит олинганда 100 миллион сўмга баҳоланган мулкнинг бугунги нархи 30-40 фоиз қимматлашса, уни қандай қилиб эски қийматида сотиш мумкин?

– Тўғри, муаммоли кредит билан қаттиқ шуғулланиш керак, лекин бу тадбиркорни “туғатиш” ҳисобидан бўлмадлиги зарур, – деди Президент. – Эндиликда гаровдаги мулкни савдога чиқаришдан олдин унинг ҳозирги бозор қиймати аниқланидиган, қайтмаган қарздорлик гаров қийматининг 15 фоизидан кам бўлса ундирив мулкка қаратилмайдиган тизим яратилади. Банк мижозига қарани бошқа манба ҳисобидан қоплашга имкон беради.

Шунингдек, мулоқотда кўчмас мулк бузилиши бўйича компенсация тўлашда ҳалигача муаммолар борлиги қайд этилди. Ушбу харажатлар ҳозир вилоят бюджети ҳисобидан қопланапти. Лекин айрим вилоятлар бюджетида маблағ кам қолаётгани учун тадбиркорнинг пулини қоплаб бериш 5-6 йилга чўзилиб кетмоқда. Энди ер савдосидан тушган маблағлар, аввало, бузилишлар бўйича тадбиркорлардан қарзни сўндиришга қаратиладиган бўлди.

ХУЛОСА

ёхуд тадбир жойи қандай танланса?

– Нима учун бу йилги очиқ мулоқотни айнан Қорақалпоғистонда ўтказилди, – деди пировадиди Шавкат Мирзиёев. – Чунки Қорақалпоғистонга инвестиция киришти, бизнес қилишнинг бошқа ҳудудларга нисбатан 3 та устунлиги бор. Биринчиси – Қорақалпоғистонда бизнес учун бирорта ҳудудда йўқ 50 дан ортиқ имтиёзлар пакети қилиб берилган. Иккинчиси – Қорақалпоғистонда ер ажратишнинг содда тизими жорий этилган. Учинчиси – катта бозорларга чиқиш учун энг қўлай ҳудудимиз, бу – Қорақалпоғистон.

Шу муносабат билан очиқ мулоқот якунлари асосида “Қорақалпоғистонда бизнес қилиш” дастури қабул қилиниши белгиланди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда давлатимиз раҳбари тадбиркорларнинг амалий тақлиф ва ташаббусларини тинглаб, улар билан очикчасига фикр алмашди. Сўзга чиққан ишбилармонларга жўяли фикрлари, янги-янги иш ўринлари яратиш, одамларни даромадли қилишга, камбағалликни қисқартиришга қаттиқ бел боғлашга тайёрлиги учун миннатдорлик билдирди.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик – тараққий таянчи, тадбиркор – элга мададор, деган гапларда чуқур маъно бор. Лекин шундай катта масъулиятни зиммасига олган тадбиркорнинг ўзига қим мададор бўлади? Агар қайси ҳоким ўз ҳудудининг гуллаб-яшнашини, қайси вазир ўз соҳасининг тараққий топишини истаса, аввало, тадбиркорга ва яна бир бор тадбиркорга чинакам мададор бўлиши керак.

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2024”

САРАЛАРНИНГ САРАСИ – ГУЛЗОРНИНГ ГУЛМОЛАСИ

O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари ғолибларини аниқлашда маҳаллий ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий ғамхўрлик қилган, “Аёллар”, “Ёшлар”, “Темир” дафтарларидагиларни иш билан таъминлашда ўрнатилган келатган ташаббускор ва меҳнатсевар хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ



Танловнинг Нукус шаҳар босқичи ҳам юқори даражада ташкил қилинди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида бўлиб ўтган танловда ўнга яқин тadbirkор ва хунарманд хотин-қизлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Ҳакамлар ҳайъати аъзолари ғолибликка номзодларнинг амалий ишлари билан яқиндан танишиб, шу кунга қадар эришган муваффақиятлари, имкониятлари, келгуси режа ва камчиликларини ҳам ўрганди.

Натижаларга кўра “Adilbek invest Nukus” МЧЖ раҳбари, нукуслик тadbirkор Гулноз Одилбековага биринчи ўрин nasib этди. “Adilbek invest Nukus” МЧЖда ўн йилдан буён халқимиз учун сифатли нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 30 дан зиёд ёшлар ишлашяпти. 2-ўрин “GULMED-SERVISA” МЧЖ раҳбари Гулнара Гайпова, 3-ўрин эса хунарманд Гулжаҳон Заримовага nasib этди.

Ғолиблар эсдалик совғалари билан тақдирланиши ва танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичига йўланма олиши.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ



Ғузур туманида бўлиб ўтган танловда ғолибликни қўлга киритган Комила Ортиқова ёш бўлса-да, таниқли тadbirkорлар сафидан ўрин олган. Унинг тикув цехида 30 га яқин хотин-қиз иш билан таъминланган. Шундан 15 нафари “Аёллар дафтари”дагилардир. Ёш қизларга каштачилик, зардўзлик, чопончилик, заргарлик, қуроқчилик сирларини ўргатапти. Эраклар, аёллар ва болалар кўйлаклари хариддордир. Хунармандчиликка асосланган “Сунбула” ўқув маркази раҳбари Сунбула Келдиёрова иккинчи, гуллар ва кўйириқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Ҳилола Пардаева учинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Танловнинг Шаҳрисабз шаҳар босқичида “Шаҳрисабз” хунармандлар кластери раҳбари Махлиё Манноновага тенг келадигани топилмади. У хотин-қизларга касб-хунар ўргатиши, халқимизнинг миллий-маданий меросини тарғиб этиши, хунармандчиликни ривожлантиришга фаол ҳисса қўшиб келаттир. Ёшларга ироқи каштачилик сирларини ўргатмоқда. Шогирдлари билан биргаликда миллийликни замонавийлик билан уйғунлаштирган ҳолда хотин-қизлар ва болалар кийимларини тайёрлаб, воҳа бозорларини таъминлашяпти. Йилга ўртача 60 минг донагача ипак гилам, 2 минг метрча атлас, адрес, аъло бахмал ишлаб чиқаради. Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган “Fashion day” либослар кўргазмасида муваффақиятли қатнашиб, махсус сертификатга эга бўлган. 100 нафар шогирди бор.

– Китоб туманида ҳам тadbirkор аёллар сафий йил сайин кенгайиб бормоқда, – дейди халқ депутати Китоб туман кенгаши депутати Ғулом Узоқов. – Улар хусусий тadbirkорлик, фермерлик, маҳаллий ишлаб чиқариш, хунармандчилик соҳасидаги салоҳиятларини намойиш этган ҳолда фуқароларимиз бандлигини таъминлашяпти. Бу борада уларга “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови тажриба мактаби вазифасини ўтапти. Мазкур танловнинг бу йилги маҳаллалар ва туман босқичида мингга яқин хотин-қиз қатнашиб, билим ва малакаларини оширдилар. Улар ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Иштирокчилар ўзлари тайёрлаган маҳсулотларни намойиш этиш баробарида ишбилармонлик



салоҳияти, маҳсулотларининг рақобатбардос ва экспортбopлиги, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этганликлари ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтапти. Ғолибларни аниқлашда, шунингдек, улар фаолиятида учраётган муаммо ва тўсиқларни қай тарзда бартараф этгани, ҳуқуқий билимлари даражасига ҳам эътибор қаратилди.

Бир гуруҳ хотин-қизлар “Маҳалланинг энг ишбилармон аёли”, “Энг намунали томорқачи ишбилармон аёл”, “Энг намунали хунарманд ишбилармон аёл”, “Маҳаллада энг кўп иш ўрни яратган ишбилармон аёл” номинациялари бўйича ҳам тақдирланишди. “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг туман, шаҳар босқичлари ғолиблари ва фаол иштирокчиларига диплом, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ЖИЗЗАХ



Тобора оммалашиб бораётган ушбу нуфузли танловнинг Жиззах шаҳар босқичида худуддаги 34 та маҳалла ғолиби деб топилган хотин-қизлар ўзаро беллашдилар. 3-ўринга яқин тартибдаги тadbirkор Малика Оқилова, 2-ўринга хунарманд Дилноза Ўқтамова лойиқ кўрилди. Қандолатчиликка ихтисослашган “Ҳаджижа барака маҳсулотлари” оилавий корхонаси раҳбари Гулнара Исмаиловлага эса Жиззах шаҳрининг энг ишбилармон аёли деб топилди.

Гулнора тadbirkорлик фаолияти орқали оиласи фаровонлигига муносиб ҳисса қўйиш билан биргаликда, кўплаб шогирдларга устозлик қилади. Маҳалласидаги 5 нафар ижтимоий ғимояга муҳтож хотин-қизни доимий иш билан таъминлаган.

O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши матбуот хизмати



МАВСУМНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ФЕРМЕРЛАРГА МУРОЖААТИ

Қадри ватандошлар!
Ҳурматли деҳқон ва фермерлар, аграр соҳа ходимлари!

Бу йил табиат қийинчиликларига қарамасдан, фермер ва деҳқонлар республикамиз бўйлаб 1 миллион гектардан ортқ майдонларга қадаган чигитларидан мўл пахта ҳосили олиш арафасида турибди. Ҳозирги ўта мураккаб иқлим шароитида мўл ҳосил етиштириш – бу чинакам жасорат ва матонатдир.

Халқимиз сиздек миришкор деҳқон ва фермерлар, моҳир сувчи ва ирригаторлар, ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган механизатор ва агрономлар, жонқуяр олим ва тadbirkорлар, кластер ходимлари тимсолида ана шундай фидойи инсонларни кўради. Эл-юрт дастурхонини тўкин қилишдаги шарафли ва олижаноб меҳнатингизни юксак қадрлайди.

Ҳиммати баланд миришкор фермерлар!
Август ойида бажарилган агротехник тadbirkорларнинг аҳамияти ҳосилдорликни оширишда ниҳоятда муҳим. Негаки, ҳосилнинг сифатли ва мўл бўлиши айни шу ойдаги меҳнат билан ўлчанади. Зеро, ғўза агротехникаси талабга мувофиқ бажарилса, эрта пишиб етилади, ҳосилга барака киради.

Шу боис августнинг кейинги 15 кунлигида ҳам куйидаги тadbirkорларни масъулият билан ёндошиб амалга оширайлик:

Биринчидан, барча деҳқонлар далада бўлиши, айниқса сувчи, механизатор, энтомологлар ўз ишига ўта жиддий ёндашиши;

Иккинчидан, ғўзани яна бир марта шарбат усулида қондириб сугориши, бунинг учун сувчиларга барча шароит яратиш, тунги сугоришни йўлга қўйиш;

Учинчидан, зараркунанда ҳашаротлар – кўсак курти, ўргимчаккана, беда қандаласи, қора шира хуружидан ҳимоя қилишни кучайтириш, уйғунлашган кураш чораларини кенг қўллаш;

Тўртинчидан, пайкалларни бегона ўтлардан тозалаш;

Бешинчидан, ривож кечроқ бўлган ғўза далаларида чилпиш ишларини якунига етказиш;

Олтинчидан, биологик стимуляторлар билан кўшма ишлов бериш;

Еттинчидан, ғўза қатор оралари туташиб-бирлашиб кетмаган далаларда 1-2 марта майин культивация (у шундай ўтказилиши керакки, ғўза тулларига зиён етмасин, кўсакларни тўкмасин, пояларни пайхон қилмасин) қилиш;

Саккизинчидан, кўчат сони қалин бўлган, ўсиб кетган ва ғовлаган ғўза майдонларини пастки кўсакларнинг чиришини олдини олиш учун варақалаш ишларини амалга ошириш;

Тўққизинчидан, пахтачилик кластер корхоналари билан ҳамкорликдаги ишларни янада жадаллаштириб, бу йилги ҳосилни ўтган йил-

гидан 4-5 центнерга ошириб, юқори даромад олишга эришиш.

Пахтачиликдаги бундай юқори натижалар, аввало, деҳқон ва фермерлар, пахта кластерлари ҳамда соҳа фидойилари томонидан туну кун қилинган машаққатли меҳнатнинг, пухта ўйланган чора ва илмий ёндашувнинг муносиб самараси бўлади. Зеро, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларимизда асосий эътибор сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни фаол жорий этиши, хўжалик ва корхоналарнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, энг муҳими, деҳқон ва фермерларнинг оғирини енгил қилишга қаратилмоқда.

Ҳурматли кластер корхоналари раҳбарлари!

Бир неча йиллар фақат хомашё сифатида сотилган толаларимиз бугунги кунда сизларнинг эътирофга арзигулик бизнес режаларининг асосида қайта ишланиб, тайёр маҳсулот сифатида миллий иқтисодийтимиз ўсиши ва экспорт салоҳиятимиз мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Шунинг учун куйидаги тadbirkорларни оғишмай амалга ошириш айни муддао бўлар эди:

Биринчидан, пахта қабул қилиш масканларини фермер хўжаликлари етиштирган пахта хомашёсини қабул қилиш мавсумига тайёрланг;

Иккинчидан, фермер хўжаликлари билан биргаликда пахта йиғиб-териб олиш учун кўнгилли теримчиларга шарт-шароитлар яратинг.

Ҳурматли фермер ва деҳқонлар!

Машаққатли меҳнат билан етиштирган ҳосилнинг нес-нобуд қилмасдан, йиғиб-териб олишда ишчиларингизга ҳамда кўнгилли теримчиларга муносиб шароит яратинг. 2024 йил ҳосилини қисқа фурсатда ва сифатли йиғиб олиш ишларини ташкил этишда бутун масъулият зиммангизда эканлигини унутманг!

Пахта йиғим-терими мавсумида шундай меҳнат кўтаринчилигини ташкил қилайликки, токи ҳар биримиз ўзимизни деҳқон ўрнида ҳис этайлик. Бободехқон елкасидаги юкни кўтаришга камарбаста, қувонч-ташвишларига шерик бўлиш, эришаётган зафарларидан фахрланиш ҳисси юрагимизда жўш урсин!

Барчангизни ушбу хайрли ишларда фаол иштирок этишга чорлаб, иқтисодийтимизни юксалтириш, она юртимизнинг янада обод бўлиши учун муносиб ҳисса қўйиш ва пахта далаларига янада пухта ишлов бериб, йиғим-терим мавсумида фаол қатнашишга чорлаймиз!

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши



МАТЕМАТИКА НИҲОЯТДА ГЎЗАЛ ФАН

ГЎЗАЛ БЎЛМАГАН МАТЕМАТИКАГА ЭСА ДУНЁДА ЎРИН ЙЎҚ

дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, математика фани муаллими Бахтиёр АБДИЕВ

Сухбатдошимиз: Китоб туманидаги 96-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси. Умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун мўлжалланган "Алгебра" дарслиги ҳаммуаллифи. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган "Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи" танлови ғолиби. 32 та ўқув-услубий қўлланма ва 130 дан зиёд электрон дарс ишланма яратган. Математикани ўқитиш тажрибаси республика миқёсда оммалаштирилган.

"Мактаб ўқувчилари учун комбинаторика элементлари", "Инвариантлар мавзусига доир масалалар ечиш тажрибаси", "5-7-синф ўқувчилари учун олимпиада масалалари тўплами" методик қўлланмалари муаллифи. У фаолият юритаётган таълим муассасаси вилоятда математика фанидан таянч маҳорат мактаби этиб белгиланган. "Математикани ўрганамиз" фан тўғрагида 100 дан ортиқ ўқувчи иштирок этди.

2013 йилда "Меҳнат шухрати" ордени, 2020 йилда "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" фахрий унвонига сазовор бўлган. Шогирдлари 10 марта халқаро олимпиадаларнинг олтин, кумуш ва бронза медаллари совриндори, икки нафари таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланган.

– Бахтиёр ака, "Ҳаётнинг иккита беағзи бор: математика билан шугулланиш ва ўқитиш", деган эди француз математиги ва физиги Пуассон.

Сиздаги шу икки безакка ҳамнинг ҳаваси келади: нафақат Китоб туманида, ҳатто вилоят, республика бўйлаб фарзанди таълимий ва олимпиада истаган ота-оналар жуда кўп; ўқувчиларининг олий ўқув юртига кириш курсаткичи юқори; яқиндагина 65-Халқаро математика олимпиадасида ҳам ўқувчиниз Мадина Сунонова бронза медалини кўлга киритди...

– Математика ва уни ўргатиш ўзим учун жуда муҳим. Баъзида математика бўлмаганда нима қилган бўлардим, деб ўйлаб қоламан. Шундай масалалар борки, ечимини қўриб, хайратда қоламан: инсон қандай қилиб шундай нарсаларни ўйлаб топиши мумкин? Бу фан билан улусиз шугулланган одам йилдан йилга уни ўзи учун кашф қилиб боради. Баъзи масалаларни ечиб, ўзини яхши математик деб ҳисоблайди. Айрим масалалар эса гўёки математикада ҳеч нарсани тушунаслашганин ошкор қилгандек бўлади.

Математикани ўргатиш жуда мароқли, айниқса, ўрганаётганнинг муваффақиятлари сезилиб турса. Ўқитувчи ҳамма нарсани ўрганиб бўлиб, кейин бошқаларга ўргатади. Албатта, фундаментал билимларга эга бўлиб, нималарни ўргатиш мажбурий эканини аввалдан билиши муҳим. Ўқитиш эса ўзинг нима билсанг, шуни ўргатишдан бошланади. Ўргатиш жараёнида асосий ўрганувчи ўзинг бўласан. Бировга айтган сари ўзинг кўпроқ тушуна бошлайсан. Ҳаётлар, усуллар шу тарзда шакллана бошлади.

Баъзида ўзининг энг кучли тарафимни сезман – ўзим тушунган энг муҳим нарсаларни ўқувчимга тушунтира оладиган лаҳзани халқ қиламан. Бу қандай амалга ошганини тушунириш қийин. Ўқитувчи бундай пайтда кучли зўриқиб билан ишлайди. Ўрганувчининг барча сезги органлари назоратимда бўлгандек туюлади. Ўқитишнинг нақадар зўр жараён экани шундай пайтларда билинади.

Ютуқлар – ҳаммаси яхши ўқитувчи бўлиш, яхши яшаш учун кўпроқ пул топиш мақсадига меҳнат қилишдан бошланади. Математикадан бошқа, вақт олиши мумкин бўлган барча маъмулотида воз кечдим. Аввало синфларимда математик муҳит яратишга ҳаракат қилдим. Маъмулотида дастурини ўргатиш ва ўрганишда муаммолар келмайди. Шундай кунларда кейинги босқичга ўтиш вақти келганини тушундим.

Талабаларимда турли математик олимпиадалар масалалари тўпламларини йиққан эдим. Улар рус тилида бўлиб, бу тилни яхши таржима қиладиган даражада билганим асқотди. Бошланғич қийин бўлди. 10 та масала тайёрлаб бораман, ўқувчилар ҳаракат қилишди, кейин ўзи тушунириб бераман. 1-2 ойча ҳар хил масалалардан тайёрлаб бориб, таҳлил қилиб вақт ўтказдим. Кейин ҳаттоларимни таҳлил қилдим. Ҳамма нарсани турларга ажратганим биллиб, ўргатмоқчи бўлганларимни мавзуларга ажратга бошладим. Танланган мавзу бўйича озгина назария ёздим, бошланғич тушуначлар ва энг содда масалалар. Кейин шу мавзуга доир масалалар тўплами. Ўқувчининг эътибори айнан бир нарсаси қаратилади.

Халқаро олимпиадалардаги ҳар бир ютуқ юзлаб ўқувчини менга йўналтиради. Афсуски, ҳамма билан ишлашнинг имкони йўқ. Бундан ташқари барча ўқувчилар ҳам олимпиадада тайёрларлик қўриш машаққатли ва мусобақа пайтидаги босимга бардош беролмайди. Лекин тайёрларлик жараёнидаги меҳнатлари уларни рақобатбардош қилади. Олимпиадаларга тайёрлаш – ўқитишнинг энг юқори даражасидир. Бу пайтда ихтиёрий равишда филархаларга мажбур қилинади.

Ўқувчиларимни халқаро шохсулаларда қўриш ва ютуқларидан завқланиш машаққатларимни унуттиради, келажикимни англатади, янада ишлашга куч беради. Мадина Сунонова жуда кўп ўқувчилар орасидан танлаб олинган жаҳоир. Унинг асосий кучи меҳнатсеварлигида, чарчоққа таслим бўлмаглигида. Муваффақиятсизлик уни тўхта-толмаслигида. У сўнги уч йилда жуда катта ютуқларни кўлга киритди. 2021 йилда Индонезия ташкилотчилигида ўтган 27-Халқаро математика мусобақасида шахсий таркибда бронза, жамоавий таркибда кумуш медал; 2021-2022 йилда вилоят республика асосий фан олимпиадаларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида 1-ўрин ва 8-Эрон геометрия олимпиадасида бронза; 2022 йил Олимпиада 18-Халқаро Жаутиков олимпиадаси, 7-Халқаро Кавказ математика олимпиадаси, 9-Эрон геометрия олимпиадасида бронза; 2023 йил 19-Халқаро Жаутиков олимпиадаси ва Осиё тинч океани минтақаси математика олимпиадасида бронза; 2024 йил 7-13 январь кунлари 20-Халқаро Жаутиков олимпиадасида олтин, 41-Болқон математика олимпиадаси ва 9-Кавказ математика олимпиадаларида бронза, 1-Тошкент халқаро математика олимпиадасида кумуш медални кўлга киритди. 11-22 июль кунлари Буюк Британияда ўтган энг нуфузли 65-Халқаро математика олимпиадасида 110 давлатдан қатнашган 600 нафар иштирокчи орасида бронза медални совриндор бўлди.

Унеча Умид Ражабов, Бахриддин Абдиев, Юлдуз Нейматова, Элдор Нейматов каби ўқувчиларим халқаро миқёсда юртимиз довуғини кўкка кўтарди. Ана шулар меннинг бу дунёга келиб тоған бебаҳо бойликларим. Айни дақиқаларда янаям хурсандман – мактабимизни бу йил битирган 25 нафар ўқувчининг 24 нафари талаба бўлди! Шулар ва тўғрагимда тайёрлашиб, бу йил олий таълим талабаси бўлган ўқувчиларимнинг 20 дан ортиғи айнан математика ва физика ўқитувчиси касбини танлашган. Мадина эса ЎзМунинг математика факультетида имтизони қабул қилинди.

– Кўпчиликин хайратга соладиган Бахтиёр Абдиев маҳоратининг сирини нимада?

– Отам қаттиққўл эди. Ўқимизни қатъий назорат қиларди. Тўққизинчи синфда математикадан туман олимпиадасида ғолиб бўлдим. Бахонда жиддий шугуллана бошладим. Гарчи республикага ўта олманг бўлсан-да, анча тобландим. Имитхонлардан муваффақиятли ўтиб, ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)

талабаси бўлдим, Абдулла Аъзамов, Шавкат Алимов, Шавкат Аюбов, Азимбой Саъдуллаев каби забардаст олимлардан сабоқ олдим. Армияда ҳам омадим топди. Чунки у ерда яхшигина кутубхона бор эди. Графиклар ва сонлар назариясига бағишланган аjoyиб китобларни топдим ва икки йил давомида илм билан шугулланишга ҳам улгурдим. Баъзилар математикани ўрганишда тушуниш, кучли зехнини ўзи етарли деб ҳисоблайди. Йўқ, ушбу фан яхшигина хотира талаб қилади. Эслаб қолганимиз аслида ҳақиқий билимимиздир.

Маҳоратимнинг сирини – ҳаммаси оддий (қулади). Шогирдларимни 5-синфлигидан, баъзан ундан ҳам вақтли танлаб тайёрлай бошлайман. Иқтидорлини курсам, юзага чиқаришга киришаман, қўлини қўйиб юбормайман. Ўз навбатида у ҳам етагимдан ушлаб олади. Босқичма-босқич юқорига олиб чиқаман. Оддийликдан мураккабликка, анъанавий масалалардан ностандарт масалаларга ўтаман. Ўта иқтидорлилари билан алоҳида шугулланаман, уларга мураккаблиги юқори бўлган алгебра, геометрия, сонлар назарияси, комбинаторика, математик мантқиққа оид масалаларни ечишнинг илгор усулларини ўргатаман.

Айрим шогирдларим ҳақиқатдан кучли, аммо фикрлаши суст, масаланинг ичига секинлик билан, бамайлихотир кириб боради. Бу, айниқса, вақт жараёнида ҳисоб-китоб қиладиган халқаро олимпиадаларда панд бериб қўйиши мумкин. Шу бос-ис ўқувчининг фикрлашдаги нуқсонини бартараф этиш йўллари ўргатаман. Аввало, масаланинг моҳиятини англаб, мантқиқ ендашишни уқтираман. Бир илмоқли масалани ўзагидан ушлаша, худди шундай ушлаб масалани бемалол еча олишига ишонтираман. Ўзим ҳам ишлашман, ўқувчинимга ишлатаман.

Олимпиада масалалари бўйича катта архивим бор, ҳатто халқаро олимпиадалар ташкил этилгандан буюн берилган жамик масалалар базасини тўплаганман. Шунингдек, бошқа мамлакатлар, айниқса, Россия мактаб ўқувчилари фан олимпиадалари масалаларини тўплаб, умумлаштириб, фаолиятимда қўлланаман. Шогирдларим юзлаб электрон китобларимдан фойдаланишди.

Математика – аниқ фан, биттагина формуласини ўрганамай ўтказиб юборсангиз, бутун бошли мисол ва масалаларни ечолмайсиз. Кунт, тартиб ва зийраклик талаб қилади. Дарёдан бир марта оқиб ўртган сувни қайта ушлаб олмангиздек, битта яхши ўтилган дарсини ҳам ортга қайтара олмайсиз. Икки мартадан ошқ дарахдан қатнашмаган ўқувчи жуда катта нарсга йўқотаяди.

Имкон қадар содда таълим бераман. Фақат формула, рақамлардан гапирмай, мавзунга ҳаёт билан боғлаб тушунтираман. Ўқувчи робот эмас. У математика энг муҳим касбларнинг отаси эканини, эртага ҳаётимда уни қўлай олишини тушунишини истаймани. Яна бир муҳим жиҳат – рақобат. Ўқувчи ўзини энг яхши деб ҳисоблаши ва қолганлардан ўтишга доим интилиши керак. Ўз тенгдошлари ичиде тенгсиз бўлиш учун ухламасдан дарс тайёрлаган ўқувчилар, бундан хавотир олиб, олдимга келган ота-оналар бор.

– Бошқа дарслардан фарқи ўлароқ математикани ҳамма ўқувчи ҳам тушунавермайди. Бунга сабаб ўқитувчининг маҳоратсизлиги ё ўқувчининг табиатан бу фанга қизиқмаслиги ё дунгасалиғими?

– Ҳамма ўқувчи ҳам математикани тушунаётган бўлиши мумкин. Лекин шу ўқувчилар физика, кимё, биология, информатикани яхши тушунаётми? Мусиқа ёки расм чизмачилик уларнинг севилими машғулотими? Адабиётини мароқ билан ўрганаётми?

Сабаби ҳамма нарсасида бўлиши мумкин. Мактабгача таълимга, болалар боғчаларига қандай вазифа қўйилган? Улусқислик, боғлиқлик таъминланганлими? Охириги йилларда мактабгача таълимда энг яхши курсаткичи сифатида уларнинг чет тилларини яхши билишлари кўрсатилди. Бу ёмон эмас, бирок боғчадаги бола яна кўп нарсдан хабардор бўлиши ва улар уйинлар орқали унинг онғида шаклланиши керак. Бино ва иншоотлар қурилиши, автомобильлар, самолёт, ракета, космик кемалар, электр иншоотлари ва бошқа нарсалар. Мусиқа ва чизмачилик бўйича дастлабки кўникмалар...

Қолаверса, бошланғич синфларнинг дастурилари ҳам мукамалроқ! Тўғри, ҳозирда илгор мамлакатларнинг, хусусан Сингапур мактаблари дарсликларни таржима қилиниб, мослаштириб киритилмоқда. Ўқитишда янги методлар кириб келяпти.

Ўқитувчилар маҳоратида камчилик борлиги ҳам бор. Лекин булар ҳаммаси бирга шаклланади. Бола табиатан қайсидир фанга қизиқмас, лекин қизиқадиган фани борми? Бизнинг ишимиз ҳар бир болани билим олишга йўналтириш, бирор касбини пухта эгаллашга кўмаклашиш. Шу ишни қилишимиз шират! Албатта, бу ерда умумий камчиликлар ҳақида гаплашганимиз. Яхшиям ҳамма бефарқ эмас. Яхши ўқитаётган ўқитувчилар ҳам, яхши ўқиётган ўқувчилар ҳам кўп. Шубҳасиз, муаммолар ҳам. Хусусий мактаблар кўпайиши яхши. Шу мактаблар секин-аста ўқитиш сифатининг ошишига хизмат қилишига шубҳам йўқ.

Мен ҳар доим, энг ёмон воқеа деб 9 йиллик умумтаълимга ўтганимизни айтман. Бу жуда ёмон иш бўлганди. Мана шу ишнинг жабрини ким билади яна неча йиллар тор-тамиз. 9 йиллик таълимга ўтиш мактаблардан жуда кўп ўқитувчиларни чиқариб ташлади. Жуда кўп кадрларни йўқотдик. Мактаблар 9-синфгача ўқувчини ушлаб турадиган масканга айланганди. Яхшиямки, Президентимиз ташаббуси билан ўз вақтида 11 йиллик мактабларга қайтдик.

Ота-оналарнинг фарзандларига етарлича вақт ажрат-масликлари ҳам таълим жараёнининг сифатсиз бўлиб қолиш сабабларидан биридир. Энг яхши ўқувчиларнинг уйларида ота-оналари яхши муҳит яратя олишган.

– Сизни билганлар касбининг фидойиси ва ўта қаттиққўл, деб таърифлашади?

– Фидойилик ва қаттиққўллик. Мен кўпроқ профессионалик сўзини ишлатишни яхши кўраман. Агар ўқитувчи



– Интервьюларингизнинг бирида математика ниҳоятда гўзал фан дегандингиз. Математика ва гўзаллик ўртасида қандай боғлиқлик бор?

– Математика ҳақиқатини энг соф ва бевосита ҳис қилиш имконини беради. Балки одамларнинг умумий маълумоти учун бебаҳолиги ана шундадир. Ҳақиқат – гўзал, ёлгон эса беманидир. Математиканинг гўзаллиги – қандайдир ёрдамчи қўшимча хосса бўлмасдан, балки унинг асосий характери хусусиятларидан биридир. Ҳақиқат ҳар доим гўзал, гўзаллик эса ҳар доим ҳақиқатдир. Математик чизган нақшлар рассом ёки шоир яратган нақшлар каби гўзал бўлиши керак: гоёлар ранг ёки сўзларга ўхшаш бир-бири билан уйғунлашиши лозим. Гўзаллик биринчи талабдир. Дунёда гўзал бўлмаган математикага ўрин йўқ.

Математиканинг ўзини санъат тури деб ҳисоблаш мумкин, чунки у ўзига хос гўзаллигини намойиш этади. Математик тафаккур излари мусиқа, рақс, расм, меъморчилик, ҳайкал-тарошлик ва тўқимачилик санъатига яққол намойн бўлади. Математика фалсафасида математиканинг гўзаллигини қисқача афористик шаклда ифодоловчи баъзи ўзига хос формулалар маълум. Г. Бирхофф математика объектнинг эстетик жозибадорлигини формула шаклида ифодолган: $M=O/C$, бу ерда M – предметнинг гўзаллиги ўлчови, O – тартиб ўлчови. C эса объект моҳиятини тушуниш учун сарфланган ҳаракат ўлчоVIDир.

– Сиз билан суҳбатлашаётимиз ва "abdiev.uz" шахсий веб-сайтнингизни кузатиб кўп саволлар тўғилипти. Катта педагогик маҳоратингиз ва олимпиадаларга тайёрлашдаги муҳим етакчилик тажрибаңизни, тўплаган масалаларингизни келажак авлод учун китобларга жамлаш, илмий иш қилиш ниятингиз йўқми? Ўз номингиздаги хусусий мактаб очиш-чи?

– Олимпиада масалалари тўпламини тузиш ишларини бошлаб юборганман. Бу тўплам олимпиада масалаларини ечишда ишлатиладиган асосий гоёларни тушунишга ёрдам берадиган масалалардан иборат бўлади. Масалалар жуда кўп. Энг муҳими гоёларни ўргатиш. Олимпиадаларда масалалар мактаб математикасининг тўртта асосий бўлимли-ридан олинди: алгебра ва математик анализ; геометрия; сонлар назарияси; комбинаторика. Шу тўртта бўлим бўйича дастлабки таассуротларни берадиган таянч масалаларни ва уларни ечиш учун керак бўладиган умумий гоёларни ўз ичига олган китобни аниқ тасаввур қиламан. Шу ишни амалга ошириш учун илганишда давом этияман.

10-синфлар учун "Алгебра ва анализ асослари" дарслиги ҳамда ўқитувчилар учун айни номдаги методик қўлланмаларни ёзиш жараёнида иштирок этдим ва тажриба оширдим. Энди ўзининг китобларимни ёзишга навбат етиб келди. Хусусий мактаб ҳақида кўп ўйляганман. Ўз жамоамни шакллантиряганман. Умуман олганда баъзи ишларни бошлаб юборганман.

– Машҳур немис математиги Давид Гилберт шогирдларидан бири ҳақида гапириб: "У шоир бўлиб кетди, математик бўлишга унинг фантазияси камлик қилди" деган экан. Демак, дунё ва ҳаёт ҳақидаги гоёлар билан онгимизни забт этиб, эргаштирадиган шоирнинг тасаввури ва фантазияси математиканин олдда ҳеч нарса эмас экан-да?

– Шейр ёзаётган шоир эркинроқ бўлади. У ўзининг нима демоқчи эканини аввалдан билиши мумкин ва энг авж палласида шу асраб юрган фикрини айтиб мақсадига эришади. Бир масалани ечаётган математик фикр юритишда эркин бўлса-да, шу масала муаллифининг ечим борлигини унута олмайди. Унинг учун оригинал бўлган масала, кимнингдир ижоди бўлгани учун, балки, ҳам ўзи учун ўзи бўлиб, ҳам баъзида муаллифдек фикрламоқчи бўлади. Ҳар қандай ҳодисанинг математик моделини қуриш мумкин.

Маълумки, милянинг ўнг ярим шарининг фаолияти чапдан фарқ қилади, улар турли функцияга эга. Бири тасвирларни (образларни) ишлаб чиқаради, иккинчиси мантқиқий фикрлаш билан боғлиқ. Лекин математика ва шеърятга мойиллик, албатта, бир одамда мужассам бўла олади. Математика ва адабиёт бир-бирига ўхшаш, чунки улар орқали атрофдаги воқеликни тушунамиз: адабиёт инсон ҳаётининг маънавий соҳасини очиб беришга қаратилган, математика эса одамлар фаолиятининг техник, моддий томонларини тушунишни назарда тутади.

Математика даярли барча фанларнинг, ҳатто гуманитар фанларнинг асосидир, шунинг учун ҳам биринчи синфлардан бошлаб бу фанни ўрганиш ва тушуниш ҳар бир киши учун жуда муҳим. Математика ўзбошимчиликларга тоқат қилмайди. Бу қатъий мантқиқ ва тартибнинг тимсолидир. Бу бизнинг дунёимизни ўзининг қонунилари билан ўрганишга ёрдам беради. Аjoyиб математик аёллардан бири Софья Ковалевская математика ҳақида шундай дейди: "Бу кўпроқ фантазияни талаб қиладиган фан, қалбан шоир бўлмасдан математик бўлиш мумкин эмас".

XXI asr" муҳбири Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

МАВСУМ МАВЗУСИ

БИРИ ОСМОНДА, БИРИ...

қовун сайлидан кейинги ўйлар

Юртимизнинг серҳосил тупроғи, мўътадил об-хавоси, меҳнаткаш деҳқонни шарофатидан барча ноз-неъматлар: ширин мевалар, витаминга бой сабзавотлар, таъми тилёрар қовуну тарвузлар деярли йил – ўн икки ой дастурхонларимиз кўркига айланган. Айниқса, саратон жазирасида муздек тарвузни карчлаб ейишга нима етсин? Ёз чилласида қовун овқат ўрнига ўтади – мағзи бир қарич гурвакни тандирдан янги узилган нон билан ейишнинг гашти бўлакча!



Аввалида тарвузнинг бир килоси шаҳарларда саксон минг сўмдан пулланганини эшитгандик, кейин оммавий равишда 5-6 минг сўмдан сотила бошлади. Бу нарх бир ой ичида зўрға уч мингга тушди. Утган йили ёз чилласида нархлар нисбатан арзон эди. Қовунни айтиб ўтирмай, ҳеч қачон бу қадар қиммат сотилмаган. Нима, қовун кам эканлигимизми? Ижтимоий тармоқларда тарвузлар кескин арзонлаб кетгани, деҳқонлар қовунларни чорвага беришга тўхтагани ҳақида хабарлар пайдо бўлди. "Тарвузлар қабристони" деган суратлар тарқалди ҳатто. Отасидан юз миллион сўм олиб, тарвуз етиштириб, оқибат кўйиб қолган йигит нидо-ларигача ёритилди.

"Ҳар бири камда ўн беш кило тош босадиган тарвузнинг донасини 500-800 сўмдан улгуржи сотиш харажатларни қопламайди", деб куйинидади миришкорлар. Бу пайтда эса тарвузлар Хоразмда ҳар килограмми 1 600 – 2 000 сўмдан сотилишда давом қиларди.

Нега шундай? Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Жиззахдан тарвуз келтириб сотадиган танишим бу саволимга қарши далилларини қалаштириб ташлади: "Бизлар Сурхондарёда ўртача ўн беш килограмм келадиган тарвузнинг ҳар донасини беш минг сўмдан кўтар олиамиз. Бориш-келиш, бошқа йўл харажатларини харна қопласин деб юк машинаси томига қадар тарвуз юклаймиш. Минг қақирим, яна абгор йўлларда пастки қисмидаги тўрт-беш қатори эзилиб кетади. Йўқотишимиз баъзида 25-30 фоизни ташкил қилади. Яна, тегишар тарвуз турлари узоқ сақланмайди – уч-тўрт кунда сотолмасанг, тамом, ярқисиз ҳолга келиб қолади. Нархни шундан келиб чиқиб белгилашга мажбуримиз".

Бу каби вазият балки тўғридир, аммо воҳанинг ўзида



етиштирилган, нисбатан ўн беш-йигирма кун кейин пишиб етилган тарвузлар нархи ҳам баланд-ку? Инсофни ким унутган ўзи, эрта баҳордан кеч кузгача далада тер тўқадиган захматкаш деҳқонни ёки бели оғирмай пул топишни касб қилиб қолган олибсотар воситачиларими?

...Онам раҳматли тарвуздан мураббо қайнатишни яхши кўрадидилар. Айниқса, лалими нав тарвузларнинг қалин пўчоғидан қайнатилган мураббо ширин ва тўйимли бўларди. Қовун шинини, қовунқоқи ҳақида эзмаланиб ўтирмайман. Уларнинг бебаҳо таъми ҳамон димоғимда турибди. Ҳозирда боболардан мерос бу усуллар деярли унутилган. Пўчоқдан мураббо қайнатиш у ёқда турсин, сигирга беришга эринадиган бўлиб кетди одамлар.

Қовун воҳа тарафларда ёз аввалида пишиб етилади. Гурвак ва бошқа эртагишар навлар савдоси оммавий тарзда июль ойида бошланади. Шу даврда тарвуз ва қовун ўртасида "ўзаро рақобат" ўртага чиқади. Бу йилги "беллашув"да қовуннинг кўли баланд келди, нархи осмондан тушиши қийин бўлди. Утган йилнинг айни даврига таққослаганда қовуннинг бир килограмми баҳоси деярли икки ҳисса баланд, яъни бу нарх ҳатто августда ҳам пастлаб қолмапти.

Нимага қовун қиммат бўлапти? Узоқ йиллардан буён ижарага ер олиб, қовун экадиган танишим саволимга бир қадар ойдинлик киритгандек бўлди: "Тарвуздан фарқли қовун қурғоқ, нам кам ерларда экилади. Нам тупроқда экилган қовуннинг шираси паст келади, харидорни қочиради. Яна ерда нам кўп бўлса, қовун палағига турли касалликлар ёпирилади. Гуллаш давридан бошлаб камда ҳар беш кунда кимёвий дори ишлатиш шарт, акс ҳолда, турли зараркундалар уруғи ичига кириб, чиритиб юборади. Харажати ҳам шунга яраша, устига устак кимёвий ишлов беришда ишлатиладиган дорилар нархи баланд. Ҳа, дарвоқо, бу йил воҳада қовун қиммат бўлишига кам майдонларда экилган асосий сабаб бўлди. Мақбул ер йўқ, ҳамма ёққа шולי экилган. Қўшни отизда шולי экилган бўлса, икки чел узоқдаги далада қовун етиштириб бўлмайди".

Умири эгатада кечаётган деҳқоннинг ҳам, тайёр маҳсулотнинг улгуржи харидорларининг ҳам фикрлари тўғридир, лекин...

Наҳотки, кўпи билан икки-икки ярим ойча давом этадиган қовун ва тарвузнинг ёғи навларини етиштириб, аҳолига ўз вақтида, сифатли етказиб бериш тизими ҳали-ҳамон яратилмади. Ахир юртимизнинг темир йўл тармоғи тортилмаган ҳудудда деярли қолмади ҳисоб. Тарвуз-қовунларни маҳсулот савултичи вагонларда энг узоқ вилоятга ҳам кўпи билан ўн беш соатда етказиш мумкин-ку! Ахир

бир вақтлари узоқ Россия шаҳарларига вагонларда бу неъматлар ташилганини биламиз.

Наҳотки, тарвуз кўп экилган, истеъмолдан ортиқча экан, мураббо, шарбат, сок тайёрлаш мумкин эмас? Бу жуда оддий технология-ку. Қайта ишланиб, идишларга қадокланган тарвуз мураббоси, шарбати қиш ойларида ўз харидорини топади.

"Ёзининг ювиндиси – қишнинг қатиғи", деган отасўзимиз бор ахир! Тадбиркорлар кичик цехларда қовун ва тарвуздан шинни, мураббо, шарбат тайёрлашлари учун илғор мамлакатлардан юксак технологияларни келтириш наҳот қийин бўлса? Консерваланган полиз маҳсулотларини бир ой эмас, ҳатто бир йил сақлаш мумкин. Ёки хорижга экспорт қилиш учун ҳам имконият бор. Хивадаги фестивалда дунёнинг турли бурчакларидан келган сайёҳлар ширин-шакор қовунларни талашиб ейишгани, хайратларини ўз тилларида ифодалашганига гувоҳ бўлдик, ахир.

Ҳозирда барча ҳудудларда боғ, сабзавот, полиз маҳсулотларини қишда сақлаш учун йирик совутиқлар қурилган. Мўътадил ҳавода тарвуз ва қовун олти-етти ой сифатини йўқотмай сақланиши мумкин. Одамлар ўз уйларда қовун-тарвузни зах едирмасдан кейинги мавсумга сақлашади, баҳор боши – "илик қуриган вақтда" ҳоҳлаган баҳосида сотишади. Шу қадим усулларни саноат даражасига кўтариш учун кўп маблағ талаб қилинмайди. Ихлос ва ҳафсала керак, холос.

Мавсумда истеъмолдан ортиқча полиз маҳсулотларини яқин қўшни давлатларга чиқариб сотиш, масалан, Сурхондарёда етиштирилган қовунларни Нукусга ҳам, Олмаотга ёки Ушга бир вақтнинг ўзида элтиш мумкин. Ташқи экспорт учун масъуллар нега бу борада олдинроқ бош қотиришмади?

...Яна Хивада ўтказилган Қовун сайлига қайтаимиз. Бу аънавий фестивал бир вилоят билан чекланмоқда. Балки, Хоразмда етиштирилган қовунларни пойтахтда ва бошқа вилоятлар марказларида "Хоразм қовуни" номи билан тарғиб қилиш вақти келмаганми? Худди шунингдек, ёғи мавсумда бошқа вилоятларда етиштирилган қовун ва тарвуз навларини воҳада сайл қилинишида намойиш қилиш ва шу баҳорда савдосини йўлга қўйиш керакдир. Бундай тадбирлар вилоятларни янада яқинлаштириши, шу баҳордада логистика (ташвиш) муаммосини масъуллар ёдига тушиши мумкин бўлади, деб ўйлаймиз.

Рўзимбой ҲАСАН,
"XXI asr" мухбири

МУТОЛАА

ҚАТРАДА АКС ЭТГАН ҚУЁШНИ ИЗЛАБ...

"Газета-журнални қўйинг, ҳатто китоб ўқимаслиги билан мақтанадиган авлод келяпти ортимиздан, – дейди таниқли журналист, адиб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳусан Эрматов. – Шу яхшилик аломатини, айтишга Ҳайриятки, орамизда "Ўткан кунлар" ё Навоий, Бобур, Абдулла Ориф китобларини кўзларига суртиб ўқиган отахонлар бор. Ҳечқурса шулардан уялайлик. Омон бўлсак кўраверамиз. Ҳозир ҳатто уйимизда болалару неваралар икки "фронт" (ҳамон "туя гўшти" еб ётган алифбониз ва ёзувлар назарда тутиляпти – тахр.)га бўлиниб, "Бу меники, бу сизники" дея китоб ўқийётганига нима дейсиз?..."

Яхшиси, Ҳусан Эрматовнинг ақинда чоп этилган "Сокин дарё мавжлари" деб номланган китобига киритилган кўнгли кечинмаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қила қолайлик.

АЖОЙИБ ВА ФАРОЙИБ ХАЛҚМИЗ-ДА!

Бир кунда қарийб 30 миллион долларлик тўлов бўпти, Ониксга. Автомобиль бир йилгача кутилади. Бу пулни 18 фоизлик депозитга қўйса корчалонлар қўлини совуқ урмаёқ уч миллион доллардан кўпроқ фойда кўракан, машинанинг нархидан кўриладиган асосий фойда бунга кирмайди. Дунёда бунақа афанди одамлар фақат бизда бор...

ГАЗЕТА ДУШМАНЛАРИГА

...Хизмат сафари билан Москвада тўрт кун бўлдим. Баривидер газетчилигимга бордим, матбуотига, телевидениесига қизиқдим, интернетни, ижтимоий тармоқлариям қолмади. Қаерга кирсангиз, олдингизда газета. Меҳмонхонада но-

нуштага тушсангиз ҳам бир тахлам бепул газетадан олиб ўқиб, таом ейсиз. Табба, буларнинг қиладиган иши йўқми, дейдиган одам йўқ. Меҳмонхонаси хусусий бўлсаям, газета сотиб олиб меҳмонларга тарқатса-я... Баъзи рестороанлардаям шу ахвол! Аэропортда тарқатиладиган газеталарни сўраманг. Мазмун-мундарижасига қарадим, тўғриси, ўзимизнинг газеталар уллардан кўра ўткирроқ чиқаётгандек кўринди. Бир сўз билан айтиб қўяқолай: исталган нашини арақлаб кўринг, ўз давлати манфаатларига хизмат қилаётир ва уни россияликларнинг ўзлари – ҳоҳ у давлат одами ёки идораси ва ё оддий фуқаро бўлсин, тарқатаяпти, кўпроқ одамларга етиб бориши ва тарғиб қилиниши учун қайғуряпти. Бизникилар билан таққослаш... бунга эса имкон йўқ, чунки биздаги айрим оғи ердан узилган катта-кичик интернетхўр раҳбару раҳбарчаларга газета-журнал керакмас. Уларга нима керак ўзи?!

МАГИСТРАНТГА САВОЛ: "ИШИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ЎҚИБ ЧИҚҚАНМИСИЗ?"

Бу – жамиятимизнинг энг оғриқли нуқта-си. Минг афсус, яқинда бир магистрантнинг ҳимоясида ёқловчига савол бердим: уэр, сизнинг ўзингиз мана шу ишни ўқиб чиқдингизми? Ўзиганман, деди у. Аммо мен шунга ҳам ишонолмадим. Шерзодхон ака, (ЎЗЖОКУ ректор Шерзодхон Қудратхўжа назарда тутилган – тахр.) биз мактабни мактабга айлантира олмас эканмиз, ҳақ қилиш қўйиб одамларнинг ҳавойи чўпчаклари билан маорифимиз орқага кетди. Таълимни бизнесга айлантириб, ялло қилиб юрганларга Аллоҳ кунфоя қилсин!

БАЙРОҚ ҲАҚИДА ОЛДИНРОҚ АЙТГАН ГАПЛАРИМ...

Биз катта кўтаринчилик билан тилимизнинг ўттиз йил илгари давлат тили деган мақомга эга бўлганини нишонладик ва минг шукурки, бундан буён тилимизга эътибор кескин ўзгаришига асослар пайдо бўлди. Шу аснода бошқа бир мавзунинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Биз байроғимизга бўлган муносабатни ҳам ўзгаришишимиз зарур деган фикрдаман. Яқинда байрам муноса-

бати билан пойтахт кўчаларига илинган қанчадир байроқни фуқаролар олиб кетгани, кейин байроқларни одамларнинг ўзлари яна қайтариб топширишгани ҳақида ўқиган чиқарсиз.

Айни мана шу ҳолат ҳам байроқнинг ўзига хос ўрни ҳақида бир билдирги бўлди, деб ўйлайман. Биз Туркиянинг Истанбул, Бурса ва Идерне шаҳарларини кезар эканмиз, ҳар қандай ташкилот – у давлатми, нодавлатми, тижоратми, нотижоратми, хуллас, ҳар бир дўкон пештоқига, ошхона эшигига Туркиянинг давлат байроғи иилиб қўйилгани, ҳамма жойда байроқ ранги устувор даражада ишлатилишига гувоҳ бўлдик. Бу нима дегани? Назаримда, ушбу ҳурмат ва эҳтиром замирида катта маъно бор. Бу ҳар бир турк фуқаросига ўзига хос ғурур бағишлаши аён. Энг ибратли жиҳати шуки, ана шу байроқ олдига улар бирорнинг ҳаққига ҳиёнат қилишдан, миллатнинг юзини ерга қаратувчи бирор ёмон қилиқ қилишдан тийилади, оддий муомалада, хизмат кўрсатишда, ҳалол-покизаликда ўрнак бўлишга интилади. Шунинг ўзи ҳам чиройли тарбия усули эмасми? Бизда нега ундай эмас? Туркия шаҳарларида кўп қаватли уйларнинг балконлари, ҳовлиларнинг тепасида ҳам юзлаб байроқларни кўрасиз. Мана сизга халқнинг қадрияти, ўлмас маънавияти. Улар туркиялик эканидан фахрланишни яхши кўришади. Ёки дарёда оқиб келаётган миллион-миллион сайёҳларнинг бу миллат ҳақида фақат ижобий



Таассуротда кетишини чин дилдан истаиди. Бозорларда ҳам, ҳатто этиқдўзнинг шохобчасида ҳам байроқ илинган. Миллат, халқнинг ўзини шевиши йўлида мана шундай ибратли усуллар иш беради. Буни бирор давлат раҳбари, маҳалла фаоли ёки телевидениедаги "Муносабат" каби кўрсатув, газетадаги таҳлилий мақола орқали ҳеч ким тарғиб этаётгани йўқ. Миллатда ўзаро ҳам-жиҳатлик, бирлик мустаҳкам. Аввало, халқни бирлаштирадиган, жиқлаштирадиган энг кучли тарғибот воситаларидан бири ҳам айнан мана шу байроқ эмасми?

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
Boш муҳаррир Норқобил ЖАЛИЛОВ
Тахрир хайъати: Ақтам ХАЙТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Мавлуда ХУЖАЕВА, Дилшод ШОУМАРОВ, Сирожиддин САЙИИД, Акшагул ТУЛЕГЕНОВА, Нодир ЖУМАЕВ, Шуҳрат АСЛОНОВ, Насимжон АЛИМОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.
Электрон почта: xxi_asr@mail.uz, xxi_asr@mail.ru
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел. факс), Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.
"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Буюртма рақами: Г – 845. Адади: 5148. Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 18:30.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr" дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди.
Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6
Навбатчи муҳаррир: Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА